



«Тасдиқлайман»
«Taxiatosh IES» АЖ
Техник директори
М. О. Нурымбетов
» _____ 2022 йил

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

Taxiatosh – 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ

1.1. Танлов предмети “Тахиаташ ИЭС” АЖ худудни ободонлаштириш ишлари бўйича лойиҳа сметаларини ишлаб чиқиш.

1.Иш ҳажми: Лойиҳа сметаларини ишлаб чиқиш.

1.2. Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинади.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб тасдиқланган график асосида йил давомида 2022 йил 31 декабрга қадар.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

2.1. “Taxiatosh IES” (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тахиаташ тумани, 1-сонли почта бўлиси, «Taxiatosh IES» АЖ.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов «Taxiatosh IES» АЖ “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунида белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгарларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
- Танлов объектига ўхшаш объектларга ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонуничиликка биноан лицензиялаш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли (стратегик объектларда ишлаш учун тегишли ташкилотлардан рухсатнома) лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этиш рухсат берилмайди:

- Қайта ташкил этиш (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

- Мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм “Буюртмачи” томонидан қуйидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар, ҳамда бошқа кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник талаблар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, корхона бланкасида имзоланган “ПДФ” формат шаклида, бетлари рақамланган ҳолда;

- Техник ҳужжатлар рўйхати (техник паспорт ёки ёхиш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси : - ФАҚАТ БИТТА таклиф бериши мумкин;

4.6. Тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.

4.7. Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ОГОҲЛАНТИРИШ

5.1. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда, томонлар, уларнинг филиаллари, ишчилари ёки воситачилари ушбу шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир ўтказиш учун тўғридан-тўғри ёки билвосита ҳар қандай шахсга бирон бир нақд пул ёки қийматли тўламайди, тўлашни таклиф қилмайди ёки тўлашга руҳсат бермайди, ҳар қандай ноқонуний фойда олиш ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш.

5.2. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар, уларнинг филиаллари, ходимлари ёки воситачилари ЎЗР қонунчилигида пора бериш / олиш, тижорат пора бериш, шунингдек ЎЗР қонунчилиги ва жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш (легаллаштириш) тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар талабларини бузган ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

5.3. Шартнома тарафида ушбу талабларнинг мумкин бўлган бузилиши тўғрисида ишониш учун ҳақиқий асослар мавжуд бўлса, у ушбу ҳолат ҳал қилинмагунча шартнома мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш тўғрисида савол берилгунга қадар бошқа томонга ёзма равишда хабар бериши керак.

5.4. Шартнома бўйича коррупцияни бузиш хавфи аниқланган тақдирда, тегишли томон хабарнома олинган кундан бошлаб 10 кун ичида тегишли тасдиқлар илова қилинган ҳолда ушбу хавфларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида бошқа томонга хабар бериши керак.

5.5. Шартномани бажариш билан боғлиқ коррупция бузилиши аниқланган тақдирда, зарар кўрган томон бир томонлама ёки тегишли қисмда шартномани бажаришдан бош

тортиш ҳуқуқига эга, бу эса бошқа томон бу ҳақда хабар олган пайтдан бошлаб унинг автоматик равишда тўлик ёки қисман бекор қилинишига олиб келади.

5.6. Жабрланган томон, шунингдек, бошқа томоннинг айби билан шартномани бир томонлама бекор қилиш натижасида этказилган барча зарарларни (ҳақиқий зарар ва йўқотилган фойда) тўлик қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўринатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

^ Тузди;

КҚБ бошлиғи



Ю. Мадримов